# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

*Тошкент Марказий Осиё телекоммуникация Ўқув Маркази ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ шундай бўлсада, Марказий Осиёда ягона бу марказ салмоқли обрў эътиборга сазовор бўлаётир. Марказнинг директор ўринбосари Раҳим ШАРИФОВ билан у ерда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.*

**— Раҳим Ашрафович, марказнинг очилишидан асосий мақсад нима эди? Нега у айнан Тошкентда очилди?**

— Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида алоқачи мутахассисларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Аммо Марказий Осиёда алоқачилар малакасини ошириб, қайта тайёрлайдиган бирон-бир ўқув маркази йўқ эди. Бундай марказнинг Тошкентда ташкил этилгани бежиз эмас, албатта.

Республикамиз алоқа соҳасида қўшни республикалар орасида бирмунча юқорироқ погонада туради. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда малакали алоқачи мутахассислар бор. Жорий йилда марказимизда қўшни республикалардан танлаб олинган мутахассисларни тайёргарликдан ўтказиб, қайта ўқитишни йўлга қўйдик.

**— Марказда ўқув ишлари қандай ташкил этилган? Тингловчиларга кўпроқ нималар ўргатилади?**

— Марказимизда бир неча турдаги ўқув дастурлари мавжуддир. Бу дастурлар ҳар хил муддатга мўлжалланган бўлиб, Европа мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган. Ўқиш икки хил йўналишда олиб борилади: биринчиси — ҳозирги замон телекоммуникация технологиялари ва иккинчиси — менежмент, маркетинг соҳалари бўйича ҳамда компьютерлар ва инглиз тили ўргатилади. Тингловчилар ҳар томонлама етук мутахассис бўлишлари учун ҳаракат қиляпмиз.

**— Қўшни республикалардан келган тингловчиларга марказда қандай шарт-шароитлар яратилган?**

— Бунинг учун ўқув даргоҳимизда бутун имкониятларни ишга соляпмиз. Асосий биномиздаги 1-2 қаватларни ўқув хоналари ва лабораторияларга ажратган бўлсак, 3-4 қаватларда тингловчилар учун ётоқхона ташкил қилганмиз. Ётоқхонада яшаш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

**— Тингловчиларга сабоқ берувчи ўқитувчилар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?**

— Ўқув даргоҳимизда юқори малакали ўқитувчилар дарс ўтишади. Бунинг учун маълум даражада тайёргарлик ҳам кўрилганди. Алоқа институтидан олти нафар юқори малакали ўқитувчи Бельгияга уч ойлик ўқишга юборилиб, малака ошириб қайтишди. Марказга республикамиздаги етакчи мутахассисларни ва хориждан ўқитувчиларни лекциялар ўқиш учун таклиф қиляпмиз.

**— Марказнинг ташкил этилишида Бельгия давлатининг "Интеркай" фирмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган экан.**

— Дунё миқёсида алоқа соҳасига катта эътибор берилади. Шу боис "Тасис" дастури асосида Марказий Осиё телекоммуникация Ўқув Маркази ташкил этилиши лозим эди. Бунинг учун ҳар томонлама қулай жой сифатида Тошкент танланди. "Тасис" дастурига мувофиқ Европа Ҳамкорлик Комиссияси Тошкентда ушбу марказни очишга маблағ ажратгандан кейин танлов (тендер) эълон қилинди. Унда Бельгиянинг "Интеркай" фирмаси ғолиб чиқди. Марказни замонавий техник асбоб-ускуналар билан таъминлашни худди шу фирма ўз зиммасига олган. Ўқув даргоҳимизни оёққа туришида бу фирманинг хизмати катта.

**— Қисқа фурсатда марказда кўпгина ишлар амалга оширилибди. Келгуси режалар хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Хорижий давлатлардан марказимиз учун зарур алоқа жиҳозларини олаяпмиз. Шунинг учун ҳам имкониятларимиз тобора кенгайиб бормоқда. Ўқув даргоҳимизда тингловчиларни ўқитиш билан бирга халқаро семинарлар, учрашувлар ҳам ўтказиб турилади. Яқинда Халқаро Электр Алоқа Иттифоқи томонидан ташкил этилган "Планиту" Халқаро семинари муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари бевосита алоқа корхона ва ташкилотларига бориб, ўша ернинг ўзида ўқув машғулотлари ўтказиб, мутахассислар билимини ошириб, қайта тайёрлаб бериш имкониятига эгамиз. Бу борада кўпгина етакчи алоқа корхоналари билан шартномалар ҳам тузганмиз.

Бўлғуси режалар тўғрисида тўхталадиган бўлса,к орзу-ниятларимиз бисёрдир. Келгусида марказимизни Марказий Осиё минтақасидаги илғор, замонавий телекоммуникация ўқув марказига айлантирмоқчимиз.

Суҳбатдош Иззат АҲМЕДОВ

# МИННАТДОРМИЗ

Фарғона вилояти электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти ўз ходимлари малакасини ошириб боришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда вилоятдаги туман электр алоқа боғламаларидан 8 нафар раҳбар ва мутахассислардан иборат гуруҳ малака ошириш учун Тошкентдаги Марказий Осиё телекоммуникация Ўқув Марказига ўқишга юборилди. Шу гуруҳ сафида мен ҳам бор эдим.

Ўқув Марказида яратилган шарт-шароитлар, таълим бериш тартиби, малакали ўқитувчиларнинг билим даражаси биз тингловчиларни лол қолдирди. Бир ойлик ўқиш давомида биз ўзимизни қизиқтирган муаммоларга жавоб топдик ҳамда замонавий билимларга эга бўлдик.

Талабчан ўқитувчиларнинг куюнчаклиги боис замонавий ўқув хоналарида энг ривожланган телекоммуникация фирмаларининг иш фаолияти билан танишиш, бу фирмаларнинг жаҳонда тутган иқтисодий ўрнини билиш биз учун аҳамиятли бўлди.

Шу боис ҳам мен "Хабар" газетаси орқали фарғоналик тинловчилар номидан жонкуяр ўқитувчилар — Зуҳриддин Фатҳуддинов, Шарифжон Камолов, Юнус Шарипов, Ҳамиджон Тоҳиржоновларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ўқув Марказининг хайрли ишлари бароридан келаверсин.

Нуъмонжон ҒОФУРОВ,
Риштон тумани электр алоқа боғламасининг бош муҳандиси



СУРАТДА: 50-АТС ходимлари Елена Бабина ва Ира Лисицкаялар станциялар орасидаги кабел ҳолатини текширишмоқда.

Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

# • Алоқа матбуот кўзгусида

## ВАҚТ — ПУЛ

Россиядаги Екатеринбург шаҳри абонентлари учун бу ибора рамзий эмас, ҳаётий маъно касб этади. Шаҳар телефон тармоқларида сўзлашувларнинг вақтбай нархини ҳисоб-китоб қиладиган ускунани (АПУС) монтаж қилиш тугалланмоқда.

Янгича ҳисоб-китоб абонентларнинг учдан икки қисмини назорат остига олади. Аммо бу мижозлар ҳозирданоқ вақтбай асосида ҳақ тўлайдилар деган маънони англатмайди. Ҳозирча керакли далиллар йиғилмоқда. Кейинчалик, АПУС бутун телефон тармоқларига ўрнатилгач, алоқачилар сўзлашувларнинг ўртача муддатидан келиб чиқиб, телефондаги бир дақиқалик мулоқот нархини белгилайдилар.

Абонент тўловларининг пасайиш эҳтимоли бўлса ҳам уни бутунлай бекор қилиш кўзда тутилмайди. Ушбу янгилик келгуси йилнинг бошидан жорий қилинади.

## ПОЧТАДА КЕЛГАН АЖАЛ

Франкфурт-на Майне полицияси бошлиғининг маълум қилишича, шаҳардаги 2-почта бўлимида кучли бомба портлаган. Почтада келган бу ажал одатдаги жўнатмага ўрнатилган экан. Фожеа натижасида жўнатмага биринчи бўлиб яқинлашган 35 ёшли ходима оғир яраланган. Ҳаммаси бўлиб 12 киши жароҳатланган, улардан уч нафари оғир аҳволда.

Полиция жиноят қидирувини бошлади, Хоффманнинг фикрича, ушбу жиноятга ундаган сабаблар ҳозирча номаълум. Почта биноси бироз шикастланган.

# СЎЛИМ ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

Яқинда Алоқа вазирлигининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим, хушҳаво тоғолдида жойлашган болалар оромгоҳига алоқачиларнинг фарзандларидан иборат биринчи гуруҳ келди. Оролбўйи ҳудуди — Хоразмдан 38 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан 70 нафар ва Тошкент вилояти, жумҳурият пойтахтидан жами 200 нафарга яқин ўсмирлар бу ерда мазза қилиб дам оладиган бўлишди.

Алоқачиларнинг фарзандлари кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун Виктор Шегай бошчилигидаги Ижтимоий, маданий-маиший бинолар қуриш ва фойдаланиш корхонаси томонидан барча шарт-шароитлар, ётоқхоналар, мебель, ошхона, спорт ва ўйин майдончалари олдиндан тайёрлаб қўйилган эди. Шунингдек, тарбиячилар ҳамда хизматчилар таркиби тузилди. Тайёргарлик жараёнини соҳа касаба уюшмаси ходимлари назорат қилиб боришди.

Шу кунларда оромгоҳда болаларнинг шодон овозлари янграмоқда, улар бир-бирлари билан танишиб, яхши кайфиятда тоғнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлишмоқда.

А. ДАРВЕШОВ

# АЛОҚА КОЛЛЕЖИГА МАРҲАМАТ

**Тошкент алоқа коллежи алоқа тизими учун юксак малакали алоқачилар, кичик муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, техникларни тайёрлайди. Ўқиш жараёнида Сиз асосий касбни эгаллаш билан бирга мураккаб видеотехника, магнитофондан тортиб то дазмолларгача бўлган маиший асбоб-ускуналарни таъмирловчи уста бўлиб чиқасиз. Хорижий тиллар мукаммал ўргатилади. Ўқишни тугатганларга гувоҳнома берилади.**

**Коллеж энг замонавий алоқа жиҳозлари билан таъминланган. Агар Сиз ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба кунлари соат 10 дан 13 гача коллежга қадам ранжида қилсангиз, ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз. Юқори малакали ўқитувчилардан сабоқ оласиз. Келгусида яхши касб эгаси бўлишни истасангиз коллежимизга марҳамат қилинг.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70, 18, 97, 48-автобуслар, 10, 22-троллейбуслар, 10, 27-трамвайларнинг "Алоқа коллежи" бекати.**

**"Хабар" газетаси жамоаси газетамизнинг Жамоатчилик Кенгаши аъзоси Тўлқин Лутфуллаевга қизи Насиба УМАРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.**

• Сўз ҳақида сўз

ОТАУЛИ

# ЭНЧИ

Маълумки, мустақил мамлакатимизда "давлат тили" мақомини олган ўзбек тилимиз қадим ва бой туркий тилнинг таркибий қисмидир. Унда айтайлик, буюк тилшуносимиз Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" асари, халқ қаҳрамонлик эпоси – "Алпомиш" достони каби қадимий манбаларда қўлланган қадим туркий сўзларнинг анчагинаси сақланиб қолган бўлиб, бугунги кунда ҳам фаол қўлланмоқда. Мана шундай сўзлардан катта қисмини "чи" қўшимчасини қўшиш орқали ясалган сўзлар ташкил этади: тилчи, йўлчи, элчи, қўшчи, ўқувчи, ўқитувчи, ёзувчи... Лекин бундай сўзларнинг маълум бир қисми шуниб олишимиз керак бўлади. "Бўйи – мунча, эни – мунча", "Бировга эн бўлгунча ўзингга енг бўл" каби сўз бирикмалари ва ҳикматли гаплардан англашиладики, "энг", русча-байналмилал атама билан айтганда, жисмнинг горизонтал ўлчови, кўндаланг кесими, одам гавдасининг икки елка оралиғидаги масофа, ҳатто бутун гавда, қад-қомат маъноларини ифодалай олади. "Энсаси қотди" иборасидаги "энса", шунингдек, энгак, энак каби бир қатор қадим туркий сўзлар шу маъноларга таянган ҳолда "эн" ўзагидан ясалгандир. Лекин энчи" сўзининг бу маъноларга мутлақо дахли йўқ, чунки айни ҳолда ўзакдаги маъно-мазмун яна-да бойиш ўрнига, аксинча, мантиқ туркий тилимизда "эн" деб аталган. Бу энга эналик ҳуқуқи фақат оила бошлиғида бўлган. Бинобарин, "энчисини олди" – мустақил оила қурди, янги рўзғор тиклади, ўз энига эга бўлди демакдир. Бу ибора бошқа жиҳатдан ҳам теран мантиқий асосга эга. Одатда ўғил уйланғунга қадар асосан бўйига ўсади. Боши иккита бўлганидан кейин эса, табиий равишда энига ўса бошлайди. Болачақалари пайдо бўлиб, аста-секин энчига айлана боради. Вақти келиб ана ўша энчилик ҳуқуқига, аввало ўз уй ҳайвонининг қулоғига ўз эни сифатида қиздириб босадиган рўзғор буюмига эга бўлади. Бу буюм эса, одатда отасининг буюмига ҳар жиҳатдан ўхшаш бўлади. Шу

"ҳозирги ўзбек адабий тили" деб аталмиш қолипга сиғмай жуда кўп йиллар сунъий равишда мазкур қолипдан ташқарида "эскирган сўзлар" сифатида қолдирилди.

Масалан, айтайлик, "син", ўзагига қурилган "синов", "синашта", "синиқчи", Миртемир домла қўллаган "синоқли" каби ўнлаб, эҳтимолки юзлаб сўзлар қўлланадиган тилда шу ўзакка қурилган энг пурмаъно ва энг қадимий сўз – "синчи" нега энди "эскирган сўз" бўлар экан?! "Ўзингники ўзагингни ўяди"деганлари шу эмасми, ахир! Ҳолбуки бу сўз рус тилидаги "критик"ни сўзма-сўз таржима қилиб қўллаётганимиз – "танқидчи"га нисбатан тазкур касб-корнинг ички табиатига мосроқдир.

Тилимиз хазинасидаги мана шундай бебаҳо ганжиналардан яна бири-"энчи" сўзидир.

"Энчи" нима? Бу сўзнинг туб луғавий маъносини яхшироқ англаб етишимиз учун аввало сўз ўзагидаги маънолар қатламини туйўқоляпти. Демак, "энчи" сўзининг ўзак маъносини бошқа жойлардан қидириш керак бўлади.

Қадим туркий сўзларни яхши сақлаб қолган Туркистон атрофидаги ўзбеклар яшайдиган қишлоқларда қариялар тилида "Фалончи ўз энчисини олибди", "Фалончи ўғлига энчисини бериб бўлак чиқарибди" қабилидаги гаплар кўп учрайди. Бундай гаплардан англашиладики, "энчи" жисмнинг эни ва ё одамнинг гавдасига дахли бўлмаган, бериш ва олиш мумкин бўлган қандайдир буюм. Хўш, қандай буюм у?

Маълумки, туркий халқларда қадимдан ҳар бир оиланинг жамоа подаси ва сурувига қўшиладиган ўз чорваси – уй ҳайвонлари бўлган. Улар битта-иккита эмас, ўнлаб, ҳатто юзлаб бўлган! Уларни бошқа хонадонларга қарашли уй ҳайвонларидан фарқлаш учун эса, ҳар бир сигир-бузоқ, қўй-қўзи ва эчки-улоқнинг қулоғига маълум бир белги, тамға, муҳр-темир қиздириб босилган. Ана ўша белги қадим боис туркистонлик қариялар сиз билан кўришиб-танишганларида даставвал "Кимнинг ўғлисан, бўтам?" деб сўрайдилар. Агар отангизни танийдиган бўлсалар, "Э-э, шунақа де, ишқилиб,энинг ўхшаб турибди" деб қўядилар. Бу ўринда "эн" сўзида юз бичими ва қад-қоматгина эмас, ўша белгидаги ўхшашлик ҳам назарда тутилади.

Не бахтки, жонажон Ўзбекистонимиз ўз энчисига эга бўлиб, мустақил давлат сифатида қад ростламоқда. Бу энчи давлат мақомини олган она тилимиздир. Энди унутмаслигимиз керакки, "От ўрнини той босар, ота ўрнини ўғил" деганларидек, навқирон давлатимиз энчини аллақандай ўгай оталару, катта оғалардан эмас, ота Туркистонимизнинг қадим ва бой тилидан олди. Шу мустаҳкам тагзаминга таянган тилимиз қайта бошдан жаҳоний қудрат касб этиши муқаррардир.



— Энинг ўхшаб турибди, бўтам...

Суратчи С. МАҲКАМОВ

Юсуф ТОВАСЛИЙ

## НИЛ ДАРЁСИГА ЁЗИЛГАН МАКТУБ

Ҳазрат Умар (Р. А.) аҳли мўмин халифаси, Миср валийлигига Амр бин Осни тайинлади.

Мисрда ёмон бир одат пайдо бўлган эди. Ҳар йили Нил наҳрига бир ёш қиз ташланарди. Амр бин Ос Мисрга келгач, халқ янги валийга мурожаат қилиб:

— Ҳукмдор, Нил наҳрига ҳар йили бир қиз болани қурбонликка берамиз. Акс ҳолда Нил суви кўпаймайди, — деди. — Келаётган ойда шу русмни бажо айлашимиз шарт. Ота-онасига кўп пул бериб, бир қизчани сотиб оламиз. Қизни ясантириб, кейин уни Нил дарёсига отамиз.

Вали: — Бу ёмон одат. Исломда бунга ўрин йўқ. Энди бундай ботил ишлар бўлмайди, — деди.

Орадан бир ой ўтгач, бахтга қарши Нил суви қуриди. Халқ қурғоқчиликдан оғир аҳволга тушиб қолди. Вали халифа Ҳазрат Умарга мактуб ёзди ва аҳволни билдирди. Ҳазрат Умар Валига жавобида: "Жуда яхши қилибсан, ёмон бир одатни тузатибсан. Мен Нил наҳрига ёзган мактубни дарёга ташла", деб ёзди.

Вали Амр бин Ос Нилга ёзилган мактубни очиб ўқиди. Ушбу сўзлар ёзилган эди: "Умар бин Хаттобдан Миснинг Нил наҳрига. Эй Нил! Аввал жўшқин оқар эдинг, энди бўлса оқмаётган эмишсан. Аллоҳ учун аввал қандай оққан бўлсанг, шундай оқ, бўлмаса ўзингнинг бошингга оқасан (етасан). Миср халқининг сенга эҳтиёжи йўқдир".

Вали Халифанинг мактубини Нилга отди. Эртаси куни қарасалар Нил эски одати бўйича тўлғаниб оқар эди.

Миср халқи Ислом қуёши соясида бу қабиҳ одатлардан қутулдилар.

• АЖАБ ДУНЁ

## ШИЛҚИМЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

Америкадаги айрим штатларнинг қонунига кўра, кимки аёлларни розилигисиз қучоқласа, ўпса ёки қўпол ҳазил қилса, йирик миқдорда жарима тўлайди, ҳатто қамоққа ҳам тушиши мумкин. Масалан, бир судя ўз машинкачисини рухсатсиз ўпгани учун 150 минг доллар тўлаган; ўртоқлари деворга гаройиб кўринишда расмини чизганда ҳимоя қилмагани учун ўқувчига мактаб маъмурияти 20 минг доллар ажратган.

Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, эркакларни ҳимоя қиладиган қонунлар ҳам бўларкан. Яқинда аёл хўжайинидан азият чеккан бир киши суд жараёнида ютиб чиқди. Боёқишни раҳбари шаҳвоний ҳирсини қондиришдан бош тортгани учун ишдан бўшатган экан.

## ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНЛАР

Дунёдаги энг бой эркак япониялик Ешиаки Цукумидир. Унинг бойлиги тахминан 33 миллиард марка экан. Ҳар йили у яна бир миллиондан ишлайди. Бу одам Япониядаги ер майдонининг олтидан бир қисмига хўжайиндир. Маълумки, Японияда ҳар бир қарич ер олтин баҳосидадир...

Энг бадавлат аёллардан бири сифатида инглиз қироличаси Елизавета тан олинган. Геологлар унинг Шотландиядаги резиденцияси остида олтин кони борлигини маълум қилишди.

Россияда энг бой одам ким деган савол ҳамон очиқлигича турибди, негаки бу ерда ўз бойлигини кўз-кўзлаш одати йўқдир.

Дўхтир қабулига келган бемордан сўради:

— Спиртли ичимликларга қалайсиз?

— Фақат тантанали дақиқалардагина ичаман.

— Қачон бўлади бундай ҳоллар?

— Ичадиган нарса топилганда.

***

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Муаллим ўқувчидан сўради:

— Қани айтчи, нега энди тухумдан жўжа пайдо бўлади?

— Жўжага айланмаса қуймоқ қилиб юборишади-да.

***

Бир ёш аёл муттасил дўхтирга қатнар, гоҳ юрагидан, гоҳ буйрагидан шикоят қилар эди. Дўхтир унинг соппа-соғ эканлигини билиб турса ҳам индамасди.

Кутилмаганда аёл келмай қўйди. У орадан икки ҳафта ўтгач пайдо бўлганда дўхтир сўради:

— Анчадан буён кўринмай қолдингиз? Сизга нима бўлди?

— Оҳ, дўхтиржон, келишга илож тополмадим, чунки мен касал бўлиб қолувдим...

***

— Отажон, лайлаклар қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетадими?

— Худди шундай.

— Унда мен нега январь ойида туғилганман?

***

Хотинимга туғилган кунида нима совға қилсам экан? Совға арзон, ҳам кўнглига ёқадиган бўлса...

— Унга севги изҳор этилган мактуб ёз. Аммо ким ёзганлиги махфий бўлиб қолсин.



Дўстимиз Комилжон САТТОРОВнинг туғилган куни билан муборакбод этиб, оилавий бахт, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ЖАМОАДОШЛАРИ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
•
Бош муҳаррир :
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0270 . 11905 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

